

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА
ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

КРЕДИТ-ИҚТИСОД ФАКУЛЬТЕТИ

“Пул, кредит ва банклар” фанидан

РЕФЕРАТ

**Мавзу: “Деноминация ва уни амалга ошириш
шарт-шароитлари”**

**Бажарди: КБИ-93 гуруҳ
талабаси Қулжонов Ф.**

Илмий рахбар: Саидов Д.

ТОШКЕНТ – 2013

Режа:

- 1. Марказий банк монетар сиёсатининг моҳияти, мақсади ва вазифалари.**
- 2. Деноминация ва уни ўтказишнинг ўзига хос хужусиятлари таҳлили.**
- 3. Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида пул муомаласини тартибга солиш механизми**

Хулоса

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

1. Марказий банк монетар сиёсатининг моҳияти, мақсади ва вазифалари.

Маълумки, иқтисодий тартибга солишда давлат бош ислохотчи вазифасини ўтайди. Бироқ, давлатнинг ушбу функциясини маъмурий-буйруқбозлик тизимидаги давлатнинг иқтисодийдаги гегемонлиги тушунчаси билан адаштирмаслик керак. Бозор иқтисодийнинг асосий қонидаси шуки, давлат иқтисодийнинг ривожини учун турли хил сиёсатларни амалга оширади. Ривожланган мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, давлат сиёсатининг асосий кўринишлари монетар ва фискал соҳаларида амалга оширилади. Қуролни ишлатиш учун қўл керак бўлганидек, давлат ўз сиёсатини маълум органлар орқали амалга оширади. Ушбу органнинг сиёсатини амалга оширишдаги ваколатлари тегишли қонунлар орқали белгилаб берилади. Мавзудан узоқлашмаган ҳолда монетар сиёсатни амалга оширувчи орган – Марказий банклар ҳақида сўз юритсак. (аксарият мамлакатларда монетар сиёсатни Марказий банк амалга оширгани учун, биз ушбу органни Марказий банк деб аташга қарор қилдик)

Марказий банкларнинг тарихан пайдо бўлиши, шаклланиши ва ривожланишига эътибор қиладиган бўлсак, уларнинг тижорат банкларидан анча кеч пайдо бўлганлигига амин бўламиз. Марказий банкларнинг юзага келишига асосий сабаб банк тизимининг бутунлай ишдан чиқиши даражасига етиши, яъни ҳар бир банк ўзича ва ўзи белгилаган миқдорда муомалага турли хилдаги ҳамда турли номиналдаги пул белгилари чиқариши билан юзага келган. Бу ўз навбатида бевосита муомалада товар ва моддий қимматликларга нисбатан пулнинг бир неча баробар кўпайишига ва оқибатда нафақат банк тизимининг, балки бутун иқтисодийнинг издан чиқишига олиб келган. Бу эса эмиссион банкларнинг марказлаштирилишига олиб келган. Натижада, эмиссия қилиш ҳуқуқини қўлга киритган банкнинг бошқа банкларга нисбатан барқарор ва мустаҳкам бўлиши маълум бўлди. Бу орқали банк тизимида мавжуд бўлиши керак бўлган соф рақобат йўқотилиб,

кўзланган натижага эришилмади. Шундан сўнг, иқтисодчи олимлар тижорат банклари фаолиятини бошқарадиган ва фаолияти жихатдан улардан фарқ қиладиган банкни вужудга келтириш зарурлигини англаб етдилар. Шу тариқа марказий банкларнинг вужудга келишига ва уларнинг фаолиятига зарурият туғилди. Шундай қилиб, биринчи Марказий банк 1656 йилда Швецияда, ундан сўнг 1694 йилда Англияда вужудга келди.

Марказий банк банк тизимининг бош банки бўлиб, пул-кредит сиёсатини, эмиссия жараёнларини олиб боради ва миллий пулнинг барқарорлигини таъминловчи муассасадир.

Марказий банк банк тизимида тартибга солувчи бўғин ҳисобланади, шунинг учун унинг фаолияти пул муомаласини мустаҳкамлашга, миллий валюта бирлигининг барқарорлигини таъминлашга ва сақлашга; мамлакат банк тизимининг ривожланишига ва мустаҳкамланишига; ҳисоб-китобларни самарали ва тўхтовсиз амалга оширишни таъминлаш билан боғлиқ.

Ҳар қандай давлатда Марказий банк ҳукумат банки бўлиб ҳисобланади ва унинг мақеи ўша давлат қонунлари билан белгиланади. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ўз фаолиятини 1995 йил 21 декабрда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида”ги Қонунга асосан олиб боради. Қонунда Марказий банкнинг мақоми, мақсади ва вазифалари, функциялари, фаолият тамойиллари ўз аксини топган.

Ушбу қонуннинг 1-моддасида Марказий банкнинг мақоми қайд этилган бўлиб, унда: “Ўзбекистон Республикаси Марказий банки юридик шахс бўлиб, фақат давлат мулки ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки – иқтисодий жихатдан мустақил муассаса, ўз харажатларини ўзининг даромадлари ҳисобидан амалга оширади, Ўзбекистон Республикаси Давлат гербининг тасвири туширилган ва ўз номи ёзилган муҳрга эга”, деб ёзилган.

Шунингдек, Қонунда “Марказий банкнинг бош мақсади миллий валюта барқарорлигини таъминлашдан иборат” дейилган. Нархларнинг барқарорлигини таъминлаш ва миллий пул бирлигини хорижий валюта

бозорларида айирбошлаш курсининг барқарор бўлишига эришишни кўзда тутовчи бу мақсад давлатнинг иктисодий сиёсатида Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг ўрни жуда муҳим эканлигини белгилайди.*

Миллий валюта барқарорлигини таъминлаш учун Марказий банк қатор муҳим вазифаларни ҳал этади. Улардан энг асосийлари сифатида қуйидагиларни келтириш мумкин:

- Монетар сиёсатни ва валютани бошқариш сиёсатини шакллантириш, қабул қилиш ва амалга ошириш;
- Ўзбекистон Республикасида ҳисоб-китобларнинг самарали тизимини яратиш;
- Банклар фаолиятини тартибга солиш ва банкларни назорат қилиш;
- Ўзбекистон Республикасининг расмий олтин-валюта захирасини сақлаш ва уни бошқариш;
- Молия вазирлиги билан биргаликда давлат бюджетининг касса ижросини уюштириш.

Марказий банк фаолиятининг мазмуни унинг функцияларида тўлароқ намоён бўлади. Марказий банкнинг ҳар бир функцияси, унинг мамлакат банк тизимининг бош бўғини, иктисодиётни пул-кредит орқали тартибга солувчи давлат органи сифатидаги фаолиятининг аниқ бир томонини акс эттириши керак.

Давлатларнинг банк қонунчиликларида ўзаро жиддий фарқлар бўлсада, Марказий банкнинг функциялари ва вазифалари борасида кўпгина умумий ўхшашликлар мавжуд. Бу ўхшашликлар айниқса, бир қатор ривожланган давлатларнинг марказий банклари функцияларида намоён бўлади.

Ривожланган мамлакатлар марказий банкларининг деярли барчаси бажарадиган анъанавий функцияларга қуйидагилар киради:

- Эмиссия функцияси;
- “Банкларнинг банки” функцияси;

- “Давлатнинг банки” функцияси;
- Олтин-валюта захираларини бошқариш функцияси.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки эса ўз зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун куйидаги асосий функцияларни бажаради.

1. Иқтисодиётни пул-кредит дастаги ёрдамида бошқариш;
2. Ҳисоб-китоб ва пул ўтказиш операцияларини бажаришни йўлга қўйиш;
3. Тижорат банклари фаолиятини бошқариш ва назорат қилиш;
4. Тижорат банкларининг касса захираларини жамғариш ва сақлаш;
5. Расмий олтин-валюта захираларини сақлаш;
6. Ҳукумат учун ҳисоб-китоб ва кредит операцияларини бажариш;
7. Тижорат банкларига кредит бериш;
8. Пул эмиссияси.

Марказий банк ҳукуматнинг расмий пул-кредит институти сифатида намоён бўлади. Марказий банк орқали давлатнинг иқтисодий сиёсати, янада аниқроғи давлатнинг монетар сиёсати олиб борилади.

Монетар сиёсат – пул-кредит тизимининг иқтисодиётни фаолият кўрсатиши ва ривожланишига жиддий тарзда таъсир кўрсатиш қобилиятига таянадиган иқтисодий сиёсат бўлиб ҳисобланади. Монетар сиёсат валюта курсига, фоиз ставкаларига, банк тизимининг умумликвидлилик ҳажмига ва табиийки бутун иқтисодиётга таъсир ўтказиш учун йўналтирилади. Бу вазифаларни ечишда иқтисодиётни барқарор ўсишини ҳамда ишсизлик ва инфляцияни камайишини таъминлаш мақсади ётади.

Марказий банк монетар сиёсати иккита асосий сиёсатдан иборат бўлиб, булар: пул-кредит сиёсати ва валюта сиёсатидир. Ўз навбатида валюта сиёсати пул-кредит сиёсатига бевосита боғлиқ бўлиб, иккала сиёсат ҳам давлат иқтисодий сиёсатининг ажралмас қисмидир. Кўпгина ривожланган давлатларда валюта ва пул-кредит сиёсатини ажратишмайди ва биттагина термин – “Монетар сиёсат” деб аташади.

Монетар сиёсатнинг асосий мақсади миллий валюта барқарорлигини таъминлаш, валюта курси ва фоиз ставкаларини оқилона ўрнатиш асосида инфляция суръатларини камайтириш, кредитдан фойдаланишнинг самарадорлигини ошириш ва иқтисодиётнинг барқарор ўсишини таъминлашдан иборат.

Монетар сиёсатнинг асосий мақсадидан келиб чиқиб оралиқ ва пировард мақсадларни ажратиш мумкин.

Монетар сиёсатни амалга оширишнинг оралиқ мақсадлари миллий валюта курсининг барқарорлигини таъминлаш, муомаладаги пул массаси ҳажмини тартибга солиш, молия тизимининг барқарорлигини таъминлаш бўлса, пировард мақсадлари иқтисодий ўсиш, тўлиқ бандликни, баҳоларнинг ҳамда тўлов балансининг барқарорлигини таъминлашдан иборат.

Монетар сиёсатнинг оралиқ мақсадларига эришиш орқали пировард мақсадларга эришишни мумкин.

Монетар сиёсат концепциясининг якуний ҳамда оралиқ мақсад ва вазифалари жадвалда келтирилган.

1-Жадвал

Монетар сиёсат концепциясининг якуний ҳамда оралиқ мақсад ва вазифалари чизмаси¹

Монетар сиёсат йўналиши	Пировард мақсадлар		Оралиқ мақсадлар	
	Кўрсаткич/индикатор	Муассаса сектори	Кўрсаткич/индикатор	Муассаса сектор
Инфляцияни пасайиши	Инфляция суръатлари	Умуман иқтисод	Ялпи пул массаси	Умуман иқтисод
Балансга келтирилган тўлов баланси	Айрибошлаш курси	Ташқи сектор	-Ҳақиқий айрибошлаш курси; -давлат резервлари; захираси	-Монетар ҳукуматлар; -банк тизими

¹манба: о.номозов «монетар сиёсатнинг ислохотчилик концепцияси» бозор, пул ва кредит. Журнали 6-сон 2000 йил 64 бет.

Молия тизими ривожланиши ва барқарорлиги	Монетаризация даражаси	Банк тизими	-Активлар тузилмаси ва ҳажмлари; -мажбуриятлар тузилмаси ва ҳажмлар; -молиявий воситачилик кўрсаткичлари	Банк тизими
Барқарор иқтисодий ўсиш	Ҳақиқий ЯИМ ўсиш суръатлари	Умуман иқтисодиёт	Пулга бўлган талаб	Умуман иқтисодиёт
Тузилмавий ислохотлар	Янги ва устун тармоқлар ўсиши суръатлари	Янги ва устун тармоқлар	Янги ва устун тармоқларга банк кредитларини ҳажми	Янги ва устун тармоқлар
Йирик ва кичик корхоналар молияларини барқарорлаш тириш	Корхоналар рентабеллиги ва молиявий барқарорлиги ўсиши	Асосий йирик ва ўрта корхоналар	Банк кредитлари ҳажми	Асосий йирик ва ўрта корхоналар

Монетар сиёсат икки йўналишда олиб борилиши мумкин. Биринчи йўналиш –кредит экспанцияси бўлиб, бу сиёсат пул-кредит эмиссиясини рағбатлантириш йўли билан олиб борилади, яъни ишлаб чиқариш суръатлари тушиб кетган ҳолда конъюнктурада ривожланишга эришиш мумкин. Иккинчи йўналиш – кредит рестрикция сиёсати бўлиб, у иқтисодий ўсиш даврида пул-кредит эмиссиясининг қисқаришига асосланади.

Монетар сиёсатнинг икки хил кўринишини ажратиш мумкин. Биринчиси, “юмшоқ” пул-кредит сиёсати деб аталувчи сиёсат бўлиб, уни яна “қадрсиз пуллар” сиёсати деб ҳам аташади. Бунда Марказий банк:

а) очиқ бозорда давлат қимматли қоғозларини уларга тўловни аҳоли ҳисобрақамларига ва тижорат банклари захираларига ўтказиш орқали сотиб олади. Бу тижорат банклари кредитлаш имкониятларини кенгайтириши ва пул массасининг ошишини таъминлайди;

б) ҳисоб ставкаси фоизини пасайтиради, бу эса тижорат банкларининг Марказий банкдан қарз олиш имкониятини кенгайтиради ва паст фоиз ставкаларида ўз миқдорларини кредитлаш ҳажмини оширади.

в) банкларнинг мажбурий заҳира меъёрларини пасайтиради, бу эса ўз навбатида пул мультипликаторнинг ошишига ва иқтисодиётни кредитлаш имкониятларининг кенгайишига сабаб бўлади.

Демак, “юмшоқ” пул-кредит сиёсати пул массасини ошириш ва фоиз ставкаларини тушириш орқали иқтисодиётни рағбатлантиришга йўналтирилади.

Иккинчиси, “қаттиқ” пул-кредит сиёсати бўлиб, у “қиммат пуллар” сиёсати деб ҳам номланади. Бунда Марказий банк:

а) очик бозорда давлат қимматли қоғозларини сотади, натижада уларга тўлов аҳоли ҳисобрақамларидаги ва тижорат банклари заҳираларидаги маблағларнинг камайишига сабаб бўлади. Бу эса ўз-ўзидан тижорат банклари кредитлаш имкониятларининг пасайишига ва пул массасининг камайишига олиб келади;

б) ҳисоб ставкаси фоизини оширади, бу эса тижорат банкларининг Марказий банкдан қарз олиш имкониятини пасайтиради ва тижорат банклари кредитлари бўйича фоиз ставкаларини ошишига олиб келади. Бу пул массаси ҳажмининг ўсишни ушлаб туради.

в) банкларнинг мажбурий заҳира меъёрларини кўтаради, бу эса ўз навбатида пул мультипликаторни пасайтиради ва пул массаси ҳажмини чегарлайди.

Демак, қаттиқ пул-кредит сиёсати рестриктив (чекловчи) характерга эга бўлиб, пул массасини ўсишини чегаралайди ва у инфляцияга қарши сиёсат сифатида қўлланилиши мумкин. Мисол тариқасида Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг сўнгги йиллардаги инфляцияга қарши қаратилган сиёсатини келтириш мумкин.

Шунингдек, Марказий банк “тор” ва “кенг” монетар сиёсатни олиб бориши мумкин. “Тор” сиёсатда валюта бозорида интервенция, ҳисоб

ставкаси ва қисқа муддатли фоиз ставкасига таъсир ўтказувчи бошқа инструментлар ёрдамида валюта курсининг мақбуллигига эришиш тушунилади. “Кенг” сиёсатда муомаладаги пул массасига таъсир этиш орқали инфляцияга қарши кураш тушунилади. Монетар сиёсатнинг халқаро жиҳатлари валюта курси, валюта резервлари ва тўлов баланси каби масалаларнинг ечимига қаратилган бўлади. Марказий банк рухсат этилган инструментлар ёрдамида пул муомаласини бошқариб боради. Марказий банкнинг монетар сиёсатининг асосий инструментлари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

- Мажбурий заҳиралар нормаси;
- Дисконт (ҳисоб ставкаси) сиёсати;
- Очiq бозордаги операциялар сиёсати;
- Валюта сиёсати;
- Таргетирлаш ва бошқалар.

Юқорида санаб ўтилган асосий инструментларга қисқача шарҳ беришга ҳаракат қиламиз.

✓ **Мажбурий заҳиралар сиёсати** – Марказий банк томонидан тижорат банкларининг депозит базасига фоиз даражасида ўрнатиладиган мажбурий заҳиралар яратиш талабидир.

Мажбурий резервлар бевосита кредитлаш имконияларини чегаралайди ва депозит эмиссиясини қисқартиради. Шу билан бирга мажбурий заҳиралар кўп ҳолларда маъмурий инструмент сифатида намоён бўлади.

Молия бозорининг ривожланиши натижасида ундан фойдаланиш нисбатан қисқарди. Канада ва Люксембургда бу инструментдан умуман фойдаланилмайди. Баъзи мамлакатларда суистеъмолликка йўл қўймаслик учун мажбурий резервларнинг максимал ҳажми Қонунда аниқ белгилаб қўйилган.

Шу нарсани алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, мажбурий резервлар бир томондан, тижорат банкларининг ликвидлилигини оширса, бошқа томондан, уларнинг рентабеллик даражаларини, яъни даромадини пасайишига сабаб

бўлади. Демак, шундан хулоса қилиш мумкинки, мажбурий резервлар иккиёклама роль ўйнайди.

✓ **Ҳисоб ставкаси** ёки **қайта молиялаш ставкаси** деб Марказий банк томонидан тижорат банкларига бериладиган ссуданинг фоиз ставкаси тушунилади. Бу ссудаларни тижорат банклари айрим кўзда тутилмаган зарурат туғилганда ва молиявий аҳволи мустаҳкам бўлган ҳоллардагина оладилар. Ҳисоб ставкаси қанчалик паст бўлса тижорат банкларида Марказий банкдан қўшимча заҳираларни олиш имкониятлари шунчалик кенгайди. Ўз навбатида, бу тижорат банкларининг заҳиралардан янги кредитлар бериш билан пул таклифини кўпайтиради.

✓ **Очиқ бозордаги операциялар** – Марказий банк томонидан давлат облигацияларини (қимматли қоғозларини) тижорат банклари ва аҳолидан сотиб олиш ва уларга сотиш бўйича операциялардир. Марказий банк тижорат банкларидан ёки аҳолидан қимматли қоғозларни сотиб олар экан, тижорат банклари заҳираларини сотиб олинган облигациялар миқдори ҳажмида кўпайтиради. Бу заҳиралар пул базасига киради. Марказий банк тижорат банклари ва аҳолига облигацияларни сотиш билан заҳираларни ҳамда тижорат банкларининг кредит бериш қобилиятини кенгайтиради. Бу ҳолда пул таклифи қисқаради.

✓ **Таргетирлаш** пул массаси ҳажмининг ўзгаришини ўрнатилган усуллар ёрдамида чегаралаш демакдир. Таргетирлашда маълум бир даврда пул массаси ҳажмининг тахминий юқори ва паст даражаси белгилаб берилди.

Марказий банк таргетирлашни пул муомаласини мувофиқлаштиришнинг бошқа воситалари билан биргаликда олиб боради. Таргетирлашнинг аҳамияти шундаки, маълум бир даврда ҳақиқатда муомалага чиқарилган пул массасини тахминий белгилаб берилган пул массаси билан солиштириш натижасида пул муомаласидаги аҳвол тўғрисида маълумотга эга бўлиш мумкин ва олдиндан зарурий чоралар ишлаб чиқиш

ҳамда амалга ошириш имкониятига эга бўлиш мумкин. Бу эса ўз навбатида Марказий банк монетар сиёсатининг самарадорлигини таъминлайди.

✓ **Валюта сиёсати** деганда Марказий банкнинг валюта муносабатларини тартибга солиш ва амалга ошириш соҳасидаги тадбирларининг мажмуи тушунилади.

Марказий банкнинг валюта сиёсати пул-кредит сиёсатининг асосий классик инструментларидан бири ҳисобланади. Жаҳон банк амалиётидан шу нарса маълумки, валюта сиёсати, асосан, қуйидаги: дисконт, девиз сиёсати ва унинг кўринишлари – валюта интервенцияси, валюта захираларини диверсификация қилиш, валютавий чеклашлар, валютанинг алмашув даражасини бошқариш, валюта курсининг тартиби, девальвация, ревальвация каби шаклларида намоён бўлади.

Юқоридаги инструментларнинг тўлиқ мазмуни, вазифалари, аҳамияти ва қўлланилиши ҳақида кейинги бобда батафсил тўхталиб ўтамиз.

Марказий ушбу инструментлар ёрдамида пул ёки асосан банк депозитлари кўринишидаги пул массасига ёки фоиз ставкасига таъсир ўтказди, таклифини ўзгартиради ва шулар орқали пул-кредит муомаласини тартибга солиб туради.

Юқоридаги усуллар жаҳон банклари амалиётида тан олинган асосий усуллар ҳисобланиб, уларнинг қўлланилиши ҳар бир давлатда турличадир. Масалан, молия бозори ривожланган кўпгина давлатлар – АҚШ, Буюк Британия, Германия, Япония очик бозордаги операциялар сиёсатидан фойдаланадилар. Молия бозори яхши ривожланмаган давлатлар эса асосий инструмент сифатида мажбурий захиралар дастагини қўллайдилар. Ҳозирги кунда Ўзбекистон Марказий банки муомаладаги пул массасини тартибга солишда асосан мажбурий захиралар ва қайта молиялаштириш ставкаси инструментларидан фойдаланмоқда.

Иқтисодий ўсиш натижаларини, шунингдек, ҳозирги пайтда иқтисодиётимиз олдида турган вазифаларни эътиборга олиб, Марказий банк пул-кредит сиёсатининг асосий тамойилларини сақлаб, шу асосда ушбу

сиёсат воситаларини такомиллаштириб бормоқда. Ҳозирги пайтда Марказий банк учун пул-кредит сиёсати асосий тамойилларини белгиловчи муҳим вазифалардан бири, узоқ муддатли молиявий барқарорлаштириш жараёнига тавсиф бериш, иқтисодиётнинг реал секторига сармоя оқиб киришини кенгайтириш, банкларда аҳоли жамғармаларини ўстириш ва уларнинг ишлаб чиқаришга йўналтирилишини таъминлашдир.

Мазкур вазифаларни бажариш туфайли Марказий банкнинг пул-кредит сиёсатида сифат ўзгаришлари рўй бермоқда. Хусусан, инфляциянинг монетар каналларини камайтириш йўналишида кредит ва фоиз сиёсати ҳамда пул-кредитни тартибга солишнинг бошқа воситалари такомиллаштириб борилмоқда. Қайта молиялаш кредитларини кимошди савдолари орқали жойлаштириш амалиёти тобора кенгаймоқда. Бу эса ўз навбатида, банк тизимида бозор тамойилларини ривожлантиришни янада фаоллаштиради. Давлат бюджети тақчиллигини қоплаш учун ноинфляциявий маблағларни кенгайтириш чора-тадбирлари ишлаб чиқилмоқда.

Марказий банк ўз олдида турган мақсад ва вазифаларга ҳамда макроиқтисодий кўрсаткичларнинг белгиланган даражаларига эришиш учун пул-кредит соҳасида қуйидаги чора-тадбирларни амалга оширади.

1. Марказий банк пул-кредит сиёсатини фискал сиёсат билан мувофиқлаштирилган ҳолда олиб боради.

2. Марказий банк пул агрегатлари динамикасини жорий ва кутилаётган инфляция даражасига ҳамда валюта курси бўйича кўзда тутилган кўрсаткичларга мос равишда тартибга солиб туради.

Пул-кредит сиёсатининг тезкор кўрсаткичлари сифатида резерв пуллар, Марказий банк томонидан ҳукуматга ва тижорат банкларига бериладиган кредитлар белгиланади. Бу кўрсаткичлар бўйича чораклик ва ойлик чегаравий мўлжаллар ўрнатилади ва уларнинг бажарилиши доимий назоратга олинади.

3. Марказий банкнинг қайта молиялаш механизми ишлаб чиқариш тармоқларининг кредит ресурсларига бўлган талабини қондиришга ва

таркибий ўзгаришларни таъминлашга йўналтирилган инвестиция дастурларини устувор равишда молиялашга хизмат қилади.

4. Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкаси пул бозоридаги талаб ва таклифдан ҳамда жорий ва кутилаётган инфляция даражасидан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

5. Таклиф этилаётган умумий пул ҳажмини бошқариш мақсадида банк тизимининг ликвидлиги ва пул базасининг шаклланиши устидан ўрнатилган мониторинг ишларини олиб боради.

6. Банк тизимини янада эркинлаштириш ва ислоҳ қилишни чуқурлаштиришга қаратилган Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари ва ҳукумати қарорлари асосида банк тизимини тубдан мустаҳкамлашга, уларнинг кредит бериш имкониятларини ва устав капиталини бўш маблағлар жалб қилиш ҳисобидан кенгайтиришга, банклар инвестиция жараёнининг асосий бўғинига, корхоналар, хусусан хусусий тадбиркорлар, кичик бизнес корхоналарининг чинакам ҳамкорига айланишига, хорижий банклар билан ҳамкорликни янада кенгайтирилишига алоҳида эътибор қаратилади.

7. Марказий банк пул-кредит сиёсатининг самарадорлигини ошириш мақсадида очиқ бозордаги операцияларни, жумладан иккиламчи бозордаги операцияларни янада ривожлантиради. Шунингдек, аҳоли бўш маблағларини тижорат банклари орқали молия бозорига жалб этиш ҳамда тижорат банкларига бўлган ишончни ошириш чораларини кўради.

Шундай қилиб, Марказий банк монетар сиёсатининг асосий мақсади миллий валюта барқарорлигини таъминлаш, валюта курси ва фоиз ставкаларини оқилона ўрнатиш асосида инфляция суръатларини камайтириш, кредитдан фойдаланишнинг самарадорлигини ошириш ва иқтисодиётнинг барқарор ўсишини таъминлаш бўлса, у ушбу вазифаларга эришиш учун биз юқорида тўхталган бир нечта вазифаларни бажариши зарур бўлади. Бирок, шунини таъкидлаш лозимки, давлат иқтисодий тизими,

шунингдек иқтисодиётдаги вазиятдан келиб чиққан ҳолда монетар сиёсат мақсади ва вазифалари ўзгариб туриши мумкин.

2. Деноминация ва уни ўтказишнинг ўзига хос хужусиятлари таҳлили

Деноминация – баҳолар масштабини йириклаштириш, яъни пул бирлигидаги «0»ларни қисқартиришдан, пул бирлигида кўрса-тилган номинални камайтиришдан иборат. Совет пул тизими қарор топа бошлаган давр – 1921 -1922 йилларда икки марта деноминация ўтказилган. Биринчи деноминацияда муомалага «1922 йил пул бирликлари» чиқарилган ва улар олдинги пул бирликларига 1000 : 1 нисбатда алмаштирилган. Иккинчи деноминацияда муомалага «1923 йил пул бирлиги» чиқарилган ва 1922 йил пул бирлигига» 100 : 1 нисбатда алмаштирилган. Пул деноминацияси инфляция суръатлари паст бўлган шароитда қулай бўлиши мумкин. Агар инфляция суръатлари юқори бўлса, деноминация ўтказиш ҳеч қандай самара бермаслиги мумкин. Фақат пул ислоҳотини ўтказиш йўли билан пул тизимини барқарорлаштириш мумкин бўлади.

Пул ислоҳоти деб пул муомаласини барқарорлаштириш мақсадида давлат томонидан пул тизимини ўзгартиришга айтилади. Пул ислоҳоти металл пул муомаласи даврида, 2-аҳон урушидан кейин - олтин девиз, олтин доллар муомаласи даврида ўтказилди.

Собиқ СССРда пул ислоҳоти 1922 – 24 йилларда ва 1947 йилларда ўтказилди.

Ўзбекистонда пул ислоҳоти 1994 йилда ўтказилди ва республика мустақил давлат сифатида ўзининг миллий пул бирлигига эга бўлди.

Пул муомаласини барқарорлаштиришга пул ислоҳотини ўтказ-масдан ҳам эришиш мумкин. Пул муомаласини барқарорлаштириш-нинг қуйидаги усуллари мавжуд: ревальвация, девальвация, деноминация. Мамлакатнинг иқтисодий ривожланиш даражасига, иқтисодиётнинг ҳолатига, пулнинг

қадрсизланиш даражасига, давлат сиёсатига кўра давлат пул ислохотини ўтказиши, пулни ревальвация, деноминация қилиши мумкин.

Пул кучли қадрсизланган вазиятда фақат пул ислохотини ўтказиш йўли билан пул тизимини барқарорлаштириш мумкин. Пул ислохоти, яъни нулликфикацияда кучли қадрсизланган пул бирлиги бекор қилинади ва ўрнига янги пул бирлиги киритилади. Масалан, собиқ СССРда 1922-24 йилларда совзнакларнинг кучли қадрсизланиши натижасида 1 рубл 50 млрд. совзнакга алмаштирилган. Урушдан кейинги Германияда гиперинфляция натижасида 1924 йилда муомалага янги немис маркалари киритилган. Эски рейхсмаркалар кучли қадрсизланиши натижасида муомалага чиқарилган янги маркалар 1 марка 1 триллион эски рейхсмарка нисбатида алмаштирилди. Рейхсмаркалар муомаласи бекор қилинди.

Ревальвация – бу пул бирлигининг олтин қийматини тиклашдан иборат. Масалан, И жаҳон урушидан кейинги 1925-1928 йилларда ўтказилган пул ислохоти туфайли фунт стерлингнинг урушгача бўлган олтин қиймати белгиланди. ИИ Жаҳон урушидан кейин ревальвация натижасида долларнинг валюта курси кўтарилди. Германия Федератив Республикасида 1961, 1969, 1971 йилларда ревальвация ўтказилган.

Девальвация – бу миллий валюта курсининг чет эл валютасига нисбатан тушишидир. Пул бирлигининг олтин миқдори белгиланган шароитда девальвация олтин миқдори тушиб кетишини англатган. Масалан, 1971 йилда АҚШ долларининг олтин миқдори 7,89 % га, 1973 йил февральда 10% га камайтирилган. Сузувчи валюта курсларига ўтгандан кейин девальвация бошқариладиган валюта курслари асосида олиб борилади.

Пул ислохотини ўтказиш қуйидаги йўллар билан амалга ошири-лиши мумкин:

– муомаладаги пул массасини камайтириш мақсадида, дефляция курси бўйича эски пулларни янги пулларга алмаштириш:

– аҳоли ва корхоналарнинг банклардаги жамғармаларини вақтинча (тўлик ёки қисман) ҳаракатсиз ушлаб туриш (қотириб қўйиш):

– иккала усулни биргаликда қўллаш йўли орқали пул ислохотини ўтказиш: бу усул халқаро амалиётда «шок йўли» билан даволаш номи билан машҳурдир. Бу усул 1948 йилда Ғарбий Германияда ҳарбий давлат бошқарувидан бозор иқтисодиётга ўтишда қўлланилган. «Шок йўли» билан даволашда иш ҳақини тўлашни тўхтатиб қўйиш, ишлаб чиқаришни қисқартириш, пул ислохотини ўтказиш, иш ўринларини қисқартириш каби қаттиқ чоралар қўлланилиши мумкин. Масалан, Ғарбий Германияда 1948 йилнинг июнь ойида ўтказилган пул ислохотида аҳолининг нақд пуллари ва жамғармалари 6,5 янги немис маркасига 100 эски рейхсмарка нисбатан алмаштирилди. Аҳоли-нинг пул жамғармаларини тўлаш вақтинча тўхтатилган, кейинчалик фақат 30 фоиз атрофида тўланган ва ҳар бир кишига 60 немис маркаси миқдорида нафақа ажратилган. Натижада давлатнинг рейхс маркасидаги қарзи, мамлакатда бўлган дисбаланс тугатилган ва шу йўл билан инфляциянинг ўсиш суръатлари тўхтатилган.

«Шок йўли» билан даволаш Японияда 1949-50 йилларда ўтказилган ва у «Додж режаси» деган номни олган.

Бу режага асосан Японияда инфляцияга қарши жуда қаттиқ чоратadbирлар амалга оширилди. Эркин баҳога ўтиш билан бир вақтнинг ўзида ер ислохоти ўтказилди, бюджет камомадини йўқотиш йўллари ишлаб чиқилди. Японияда мавжуд зарар билан ишловчи корхо-наларга давлат томонидан бериладиган субсидия бекор қилинди, корхона, ташкилотларга кредит бериш шартлари мукамаллаш-тирилди, аҳоли жамғармалари ишлатилмасдан қотириб қўйилди.

Иқтисодиётни «шок йўли» билан даволаш Шарқий Европа мамлакатлари - Югославия, Польша каби мамлакатларда ҳам қўлланилган. «Шок йўли» билан даволаш иқтисодий сиёсати 1989 йилнинг охирида Польшада қўлланилган бўлиб, иш ҳақи вақтинчалик қо-тириб қўйилган ҳолда, баҳолар эркинлаштирилган. Натижада 1990 йилнинг бошларига келиб, Польшада товарлар мўл-кўлчилиги вужуд-га кела бошлади ва товарлар баҳосининг бир неча баробар ошиши натижасида инфляция суръатлари

секинлашишига эришилди. Польшада бу иқтисодий тадбирнинг ўтказилиши аҳолининг яшаш шароитини анча қийинлаштирди ва ишсизлар сонини кўпайтирди.

2012 йил давомида Марказий банк томонидан **пул бозорида** ташқи савдо балансининг ижобий сальдоси ва банк тизими соф ташқи активларининг кўпайиши ҳисобига шаклланган кўшимча ликвидликни стерилизация қилиш операцияларининг мунтазам равишда ўтказиб борилиши орқали иқтисодиётдаги инфляцион босимнинг олди олинди.

Ўтган йилда Марказий банк томонидан пул массасини прогноз кўрсаткич доирасида ушлаб туриш мақсадида амалга оширилган стерилизация операцияларининг ҳажми 2011 йилга нисбатан 1,4 мартага ошиб, 2013 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра 5,9 трлн. сўмни ташкил қилди.




Мажбурий резервлар. Мажбурий резерв талаблари тижорат банкларининг кредит ресурслари миқдорига таъсир кўрсатиш орқали иқтисодиётдаги пул таклифини тартибга солишда пул-кредит сиёсатининг муҳим инструментларидан бири сифатида қўлланилмоқда.

2012 йилда инфляция ва пул массасининг мақсадли параметрларидан келиб чиқиб ҳамда тижорат банкларида узоқ муддатли ресурс базасини янада кенгайтириш мақсадида, мажбурий резервлар нормаси, юридик шахсларнинг талаб қилиб олингунча ва 1 йилгача бўлган муддатга жалб қилинган

депозитлар учун – 15 фоиз, 1 йилдан 3 йилгача бўлган депозитлар учун – 12 фоиз, 3 йилдан ортиқ бўлган депозитлар учун – 10,5 фоиз миқдорида ўзгартирилмасдан қолдирилди.

2012 йилда тижорат банкларининг Марказий банкдаги мажбурий резервлари ҳажми 443 млрд. сўмга ёки йил бошига нисбатан 31,8 фоизга кўпайди.



Ўз навбатида, Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ҳисобварағига қўшимча равишда 3 176 млн. АҚШ доллари миқдоридаги маблағлар йўналтирилиши пул массасини прогноз кўрсаткичдан ортиқча ўсишининг олдини олишга ва шу орқали ички бозорда нархлар барқарорлигини таъминлашга хизмат қилди.

Шунингдек, Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкаси инструментида ҳам пул бозоридаги фоиз ставкаларини бошқаришда ҳамда иқтисодий ўсиш жараёнларини рағбатлантириш мақсадида кенг фойдаланилди.

Инфляция даражаси, пул массаси ҳажмининг ва бошқа макроиқтисодий кўрсаткичларнинг белгиланган мақсадли параметрларидан келиб чиқиб Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкаси 2012 йилда йиллик 12 фоиз миқдорида сақлаб қолинди.

Қайта молиялаш ставкасининг ушбу даражада ушлаб турилиши пул бозорида молиявий ресурсларга бўлган талаб ва таклифнинг мувозанатини сақлашга, реал сектор корхоналарининг инвестицион имкониятини оширишга, иқтисодий кредитлаш ҳажмини янада кенгайтириш ва айти пайтда тижорат банкларининг ресурс базасининг барқарорлигини таъминлашга хизмат қилди.

3. Бозор иқтисодийтига ўтиш шароитида пул муомаласини тартибга солиш механизми

Кейинги вақтларда республикамизда чоп этилаётган иқтисодий адабиётларда мониторинг сиёсатининг билвосита ва бевосита инструментлари, банклар ва бошқа кредит муассалари ҳақида айрим мулоҳазалар чоп этилмоқда, аммо пул массасини вужудга келтириш ва уни тартибга солиш механизми тўғрисида кенгроқ маълумотларнинг йўқлиги мутахассисларга ва илмий изланувчиларга бу соҳадаги муаммоларни чуқурроқ ўрганиш имкониятини бермайди.

Бу масаланинг янада долзарблиги шундан иборатки, республикамизда фуқароларнинг банклардаги омонатларини химоялаш кафолатлари фондларини ташкил қилишнинг ҳуқуқий базасини яратиш кун тартибида турибди. Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фондини яратиш тижорат банкларининг пулли харажатларини янада ошириб, даромад базаларини қисқартиради. Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фондини яратишда тижорат банкларининг молиявий ҳолатига салбий таъсир қилмайдиган манъбаларни ахтариб топиш катта аҳамият касб этади.

Шу нуқтаи назардан ушбу мақолада пул муомаласини тартибга солиш механизми ва унинг инструментлари тўғрисидаги назарий масалаларнинг кўриб чиқилиши миллий пул қадрини ошириш борасида Марказий банк

тамонидан амалга ошираётган пул-кредит сиёсатининг самарали бўлиши ҳамда Фуқароларнинг банклардаги омонатларини химоялаш кафолатлари тўғрисида қонун Лойиҳаси бўйича айрим хулоса ва таклифлар тайёрлашга асос бўлади деб ўйлаймиз.

Маълумки собиқ совет республикалари ўрнида Мустақил Давлатларнинг вужудга келиши ва уларнинг барчасида икки поғанали банк тизими ташкил қилиниши натижасида пул муамаласини тартибга солиш ривожланган мамлакатлардаги сингари Мажбурий резервлар механизмини жорий этиш билан амалга оширила бошлади. Лекин Мустақил давлатларнинг барчасида шу жумладан Ўзбекистонда ҳам Мажбурий Резервлар механизмининг ўзига хос хусусияти бор, яъни тижорат банклари Марказий банкда иккита ҳисоб варақлари очади: биттаси вакиллик ҳисоб варақлари бўлса, иккинчиси алоҳида Мажбурий резервлар ҳисоб варақларидир.

Тижорат банкларининг Марказий банкдаги вакиллик ҳисоб варақларидан тўловлар амалга ошириладиган бўлса, мажбурий резервлар жалб қилган депозитлардан ўрнатилган фоизда алоҳида ҳисоб варақларига ўтказилган маблағлар бўлиб, бу ҳисоб варақлардан тўловларни ўтказиш мумкин эмас. Мажбурий резервлар ҳисоб варақларидаги қолдиқлар Марказий банк назорат бошқармалари тамонидан ҳар ойнинг 1-числосида ўрнатилган меъёрга қараб тартибга солиб турилади. Демак банк жалб қилган депозитлар суммасининг ошиши мажбурий резервларга ажратмаларнинг кўпайишига олиб келади ёки аксинча бўлиши мумкин.

Мажбурий резервлар ҳисоб варақлари асосан Марказий банк аппаратида марказлаштирилган бўлиб, бундан асосий мақсад маҳаллий хокимиятларнинг пул муамаласига таъсирини камайтиришдан иборат эди.

Минимал заҳиралар меъёри Марказий банк мамлакатда пул массасини тартибга солиш учун қўллайдиган восита ҳисобланади. Марказий банк Минимал заҳиралар меъёрини ўзгартириш орқали тижорат банкларининг актив операциялари кўламини, демак уларнинг депозит эмиссиясини амалга ошириш имкониятини ҳам тартибга солади. Мажбурий заҳиралар

меъерининг ўзгариши фоиз даражасига ҳам таъсир қилади. Минимал захиралар омонатлари фоизсиз бўлгани учун захира ставкаларининг ҳар бир ошиши банклар рентабеллигини каматиради, улар эса ўз навбатида бу юкни миждозлар зиммасига юклайди. Марказий банкнинг пул сиёсати нуқтаи назаридан бу айрим ҳолларда мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Бундан ташқари у ўзига хос суғурта фонди вазифасини бажариб, банк ёпилган ҳоллардагина Марказий банк тамонидан қайтариб берилади ва тижарат банкларининг мажбуриятларининг бир қисмини бажариш учун манба ҳисобланади.

Мустақил давлатларнинг кўпчилигида Мажбурий Резервлар механизмининг бундай ўзига хос кўриниши бекор қилинган. Аммо республикамизда ҳозиргача бу усулдан фойдаланиб келмоқдамиз. Бозор муносабатларига ўтиш даврининг бошланишида тўғри ҳисобланган бу усулдан воз кечиб, республикамизда ҳам ривожланган мамлакатларда қўлланилаётган механизмдан фойдаланиш вақти келди. Чунки амалиётда қўлланилаётган Мажбурий Резервлар механизми тижарат банклари активларининг катта улуши ҳаракатсиз туришини тақоза қилади. Жумладан, тижарат банклари пул маблағларининг бир қисми кассада ўрнатилган лимит чегарасида, жалб қилинган қисқа муддатли депозитларнинг ва бошқа мажбуриятларнинг 30 фоизи миқдоридаги маблағлар Марказий банкдаги вакиллик ҳисоб варағида сақланади. Марказий банк тамонидан белгиланган жорий ликвидлилик меъёри қисқа муддатли мажбуриятларнинг 30 фоизини ташкил қилсада, амалиётда тижарат банклари ундан кўпроқ маблағни ўзларининг ҳисоб варақларида сақлаб туришга мажбурдирлар. Республикамизда вужудга келтирилган ва мунтаъзам ишлаб турган электрон тўлов тизимига 40 га яқин бош банклар билан бирга бевосита 850 дан ошиқ тижарат банклари филиаллари улангандир.

Натижада республикамиздаги нафақат бош банклар балки ҳар бир банк филиали вакиллик ҳисоб варағига эга бўлиб, унда жорий тўловларни амалга ошириш учун етарли маблағни сақлаши зарур. Таҳлиллар шуни

кўрсатадики, кўп филиалли тижорат банклар вакиллик ҳисоб варақларида меъёрдан анча кўп маблағни ҳаракатсиз ушлаб туришга мажбурдир. Бу муаммо тижорат банкларини ягона вакиллик ҳисоб варақларига ўтказиш жараёнида ечимини топади деган умиддамиз.

Юқоридагилардан шуни кўриш мумкинки пул муамаласини тартибга солишнинг республикамиз амалиётида қўлланилаётган Мажбурий резервлар механизми тижорат банкларининг қийинчилик билан жалб қилган маблағларининг 60 фоиздан кўпроқ қисми ҳаракатсиз қолишига, уларнинг рентабиллигининг пасайишига олиб келмоқда. Биз тамондан таклиф қилинаётган пул муамаласини тартибга солиш бозор иқтисоди ривожланган давлатларда пул механизми узоқ йиллар давомида вужудга келиб, такомиллашиб келмоқда. Бозор иқтисодида барча иқтисодий жараёнлар пул ва кредит воситасида амалга оширилади. Бу давлатларда товар-пул муносабатлари кенг ривожланган бўлиб, жимиятнинг барча жабҳаларини қамраб олган. Ҳаттоки бозор механизмига асосланмаган моддий неъматларни тақсимлаш соҳасида ҳам бозорда вужудга келадиган баҳолар масшабига ва пулда баҳолашга таянилади.

Товар-пул муносабатларининг беқиёс ривожланиши тараққий этган гигант молия-кредит инфратизилмасини вужудга келтирди. Бу инфратизилмага кенг тарқалган пулли тўловлар ва нақд пулсиз ҳисоб-китоб шакллари ўзида мужасссам қилган пул муамаласини тартибга солиш механизми, кўп бўғинли кредит муассасалари ва ссуда капитали бозорлари киради.

Пул муомаласининг барқарорлиги бозор иқтисодиётининг бошқа секторлари сингари пулга бўлган талаб ва таклифнинг мос келишига боқлиқдир. Пулга бўлган талаб аҳоли ва хўжалик субъектлари фаолиятида вужудга келса, пулнинг таклифи ёки пул эмиссияси банклар томонидан, аниқроғи Марказий банк томонидан амалга оширилади. Пул муомаласида талаб билан таклифнинг мос келиши жуда қийин ва мураккаб масаладир. Чунки хўжаликларда юз бераётган молиявий нохуш жараёнлар пул

механизмида ўз аксини топади. Талаб ва таклифнинг мос келмаслиги пулга бўлган эҳтиёжнинг ўсиб кетиши натижасида (товар ишлаб чиқариш ҳажмининг физик ўсиши, пул айланиш тезлигига, ташқи иқтисодий алоқаларнинг таъсирида) ва пул эмиссиясининг кўплиги ёки камлиги туфайли вужудга келади.

Иқтисодий тараққиёт тажрибасида пулга бўлган талаб ва таклифнинг мос келмаслиги ёки бузилиши иқтисодиётни танг аҳволга келтиргани ва таназзулга юз тутганлиги тўғрисида жуда кўп мисоллар мавжуд. Пул маблағларининг муомалага тушиши манбаси асосан банклар ҳисобланади. Банклар аҳолининг ва хўжалик субъектларининг ўсиб келаётган эҳтиёжларини етарли миқдорда пул билан тامينламаганлиги оқибатида пулнинг етишмаслиги «денежнўй голод» вужудга келиб, корханаларда тўловга қобилиятли талаб бўлмайди ва ишлаб чиқариш ва иш билан таъминланганлик пасайиб кетади. Аксинча айрим ҳолларда, банк тизими заруриятдан ортиқча муомалага пул чиқариши оқибатида, инфляция жараёнини кучайтириб, пул бирлигининг қадрсизланишига олиб келган.

Аҳоли ва хўжалик субъектларининг пулга бўлган талаби ва таклиф ўртасида зарурий нисбатни тامينлайдиган пул-кредит механизмини вужудга келтириш, бу механизм билан хўжалик механизмининг бошқа қисмлари ўртасидаги мосликни ахтариб топиш, хўжалик механизмини такомиллаштиришнинг тарихий йўли бўлиб қолди.

Иқтисодиётнинг монополистик капитализм босқичига давлатнинг марказий органлари иштирокисиз автоматик мослаштириш механизми орқали пул муомаласини тартибга солиш ривожланди. Бу усулда пул-кредит механизмининг автоматик ишлаши, яъни пул эмиссияси ёки ортиқча пулнинг муомаладан олиниши ўз-ўзидан амалга оширилган. XIX асрдаги пул-кредит механизми асосида қимматли металлар ётганлиги учун, олтин ёки кумуш тангаларнинг ортиқча қисми тўғри хазинага тушиб, ортиқча пул муаммоси бўлмаган. XX аср бошларида ҳам муомалага чиқарилган қоғоз пуллар

Марказий банк ёки давлат хазинасидаги олтин ва кумуш металллар қолдиғига қаттиқ боғланган эди.

Бу даврда муомалага пул чиқариш механик усулда олтин ва кумуш захирасига боғлиқ равишда амалга оширилган. Шунинг учун айрим мамлакатларда даврий иқтисодий инқирозлар даврида олтин ва кумуш захираларининг мамлакатни тарк этиши натижасида нақд пул эмиссияси кескин қисқариши юз берган. Олтин андозаси (Золотой стандарт) асосида пул эмиссияси қисқариб, ишлаб чиқаришнинг ўсиш даврида олинган жуда кўп кредит мажбуриятларини қайтариш учун пулга бўлган эҳтиёж ошиб, инқирознинг чуқурлашишига олиб келди.

XX асрнинг иккинчи ўн йиллигида йирик ривожланган мамлакатларда давлат монополистик бошқариш тизими олтин андозасига асосланган пул тизимидан воз кечиб, пул-кредит механизмининг жуда эгилувчан усулларида фойдаланишни талаб қилди. Натижада олтин андозаси емирилиб, қимматбаҳоли металлларга асосланмайдиган, кредит-пул эмиссиясини тартибга солишнинг ҳозирги усулларида кенг фойдаланадиган пул-кредит механизми вужудга келди. Муомаладаги пул массасини тартибга солишнинг эски усулларида воз кечиш бутун капиталистик иқтисодиётни (1929-1933 йиллар) инқирозга олиб келди. Олтин андозасига келсак, Биринчи жаҳон урушидан кейин айрим мамлакатларда олтин стандарти тикланган бўлсада, (1927 йилга келиб 40 яқин давлатда) 1931 йилнинг фақат ўзида 23 мамлакатда, умумий инқироздан кейин эса ҳамма мамлакатда олтин стандарти бекор қилинди.

Пул муомаласини тартибга солиш механизмининг тубдан ўзгариши, яъни пул эмиссиясининг бошқа асосга кўра амалга оширилиши нақд ва нақд пулсиз пул айланмаси таркибининг кескин ўзгаришига олиб келди. Кредит тизимининг ривожланиши ва банк орқали нақд пулсиз тўловларни амалга ошириш жуда кучайганлиги сабабли тўлов таркибида ва у пул массаси таркибида катта ўзгариш юз беришига олиб келди. Пул массасида нақд пул улуши кескин камайиб, банк ҳисоб варақлари орқали тўловлар улуши ошди.

Айрим мамлакатларда: Англия, АҚШ, Канада, Япония ва Италияда пул массасининг қисқа кўринишида нақд пул улуши 20 фоиздан 25 фоизгача қисмини ташкил қилган бўлса, бошқа давлатларда Франция, Белгия, ГФР, Голландия ва Швейцарияда 33 фоиздан 50 фоизгача қисмини ташкил қилди. Тўлов айланмасининг ҳар хил давлатларда турлича бўлиши ўша давлат пул-кредит тизимининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқади.

Ривожланган мамлакатлар пул массаси асосан кредит пуллари бўлиб, банкноталар ва депозитлардан ташкил топади. Бу пуллар қимматли қоғозлар ва кредит операциялари натижасида муомлага чиқарилиб, ишлаб чиқариш ва конъюнктура ҳолатини белгилайди. Пул эмиссияси биринчи набватда хўжалик субъектларининг талабини яъни пулга бўлган эҳтиёжини ҳисобга олиб чиқарилади. Аммо ҳукумат ҳам пул эмиссиясига ҳар хил йўллар билан катта таъсир кўрсатади, зарур ҳолларда пул миқдорининг ўсиш дражасини чегаралайди.

Барча ривожланган мамлакатларда пул массасини бевосита тартибга солиш механизми бўлиб, банк мажбурий резервларини вужудга келтириш ҳисобланади. Барча банк муассасалари тамонидан мажбурий резервлар Марказий банкнинг алоҳида вакиллик ҳисоб рақамида қонун ёки меъёрий ҳужжатлар билан белгиланган миқдорда жамланади. Бу меъёр банк жалб қилган депозитларга нисбатан фоиз ҳисобида ўрнатилиб, депозитларнинг бир қисмини таъминлаш қуроли ҳисобланади. Пул муомаласини тартибга солиш (инструментлари) қуроллари (қайтамолиялаш, қайтаҳисобга олиш сиёсати, очиқ бозордаги операциялар ва бошқалар) мажбурий резервлар ҳисоб рақамларидаги пул қолдиқларининг ўзгаришига таъсир қилади ёки ташқи манбалардан тўлдиришни кўзда тутади.

Пул муамаласини тартибга солишнинг Мажбурий захиралар механизми биринчи марта 1913 йилда АҚШ Федерал Резерв Тизимида қўлланилган, сўнгра кўпгина ғарбий давлатларда, жумладан: 1948 йилда Германияда, 1967 йилда Францияда, 1979 йилда Испанияда, 1961 йилда Буюк Британияда жорий этилган.

Мажбурий резервлар билан банк операциялари қамрови ўртасида ўзаро узвий боғланиш бор. Жуда кўп банк муассасалари ўзларининг резерв ҳисоб рақамларида пул тақчиллигини сезсалар ва Марказий банкдан унга қулай шартда кредит олиш имкони бўлмаса, ўзларининг ички резервларини ишлатиш йўли билан яъни бошқа активларини камайтириш орқали эришади. Бу ўз навбатида банк депозитларини ташкил қилишни қисқартиради ва депозитлар пул массасининг асосий таркибини ташкил қилади. Агар, аксинча банк мажбурий резерв ҳисоб рақамларида ортиқча резерв мавжуд бўлса, банклар ўзларининг кредит операцияларини кўпайтиради. Бу хўжалик субъектлари талабларига нисбатан ортиқча кредит ресурсларини туғдириши ва натижада пул массаси меъёридан ошиб кетиши ва кредит учун фоизларнинг пасайишига олиб келиши мумкин. Амалиётда ушбу жараёнлар жуда кўп омиллар таъсирида мураккаб кечади.

Пул-кредитни тартибга солиш назарияси ва амалиётида банк мажбурий резервлар мультипликацияси (кўпайиш) самарадорлиги деган тушунча катта аҳамиятга эгадир. Банк мажбурий резервларининг ўзгариши, бу ўзгаришга нисбатан бир неча баробар кўп банк резервларини вужудга келтириш механизми мавжуд. Демак, назарий жиҳатдан, бирон бир банкда депозитнинг вужудга келиши, бутун банк тизимида ўзидан бир неча баравар кўп депозит вужудга келтиради ва аксинча депозитнинг камайиши, банк тизимида бир неча баравар кўп депозитни камайтиради. Мажбурий резервлар тизимининг аниқ шаклидан келиб чиқиб, мамлакатларда кўпайиш коэффиценти даражаси ҳар хил бўлиши мумкин.

Юқорида кўрсатилган пул-кредит механизмининг ишлаш тартиби амалиётдаги пул бозорининг аҳволига қараб умуман бошқача ҳам бўлиши мумкин. Тажрибалар шуни кўрсатадики, Марказий банклар мажбурий резерв миқдорига таъсир қилиб доимо ҳам ўзлари хоҳлаган натижага эришаолмайдилар. Тижорат банклари тамонидан шундай қарши чоратадбирлар ишлаб чиқилганки, кўпгина ҳолларда марказий банк қаттиқ пул сиёсати енгиллаштирилади ёки умуман таъсири йўқотилади. Бундай

усулларга банкларнинг актив ва пассивлари таркибини ўзгартириш, махсус фондларни ташкил қилиш, чет эл банкларидан кредит олиш ва ҳар хил «пулни иқтисод» қилиш билан пул айланишини тезлатиш йўли билан эришилади.

Маълумки тижорат банкларининг кредит операцияларини ривожлантириш жуда қийин масаладир. Марказий банклар, хусусан А+Шда Федерал Резерв Тизими бунга яқка тартибдаги ва институтчионал инвесторларнинг қимматли қоғозларини сотиб олиш орқали резерв пулларини ошириш йўли билан эришиши мумкин. Аммо бу уларнинг кредит операцияларини автоматик ошириши дегани эмас албатта. Кредитга талаб ишлаб чиқариш ва конъюнктура ҳажмининг ошиши билан хўжалик субъектларида вужудга келади. Кредит ресурсларининг мавжудлиги шароитида тижорат банклари кредит операцияларининг ривожланишига хўжалик субъектларининг кредитга лайёқатсизлиги халақит қилиши мумкин. Натижада ортиқча кредит ресурслари тижорат банклари резерв ҳисоб-рақамларида осилиб қолиб, кредит операциялари ривожланмаслиги ва Марказий банк тамонидан кутилган самарага эришилмай қолиши ҳам мумкин. Марказий банк тижорат банкларида мавжуд ортиқча захиралар миқдорини тартибга солиш орқали мамлакатдаги пул таклифи ҳажмини ўзгартириб туради. Ортиқча захиралар банк тизимининг пул яратиш лаёқати учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлиб, ликвид маблағлар сифатида тижорат банкларининг мижозлар депозитлари бўйича мажбуриятлари таъминоти ролини ўйнайди. Марказий банк мажбурий захиралар меъёрини даврий ўзгартириш орқали тижорат банкларининг ликвидлик даражасини иқтисодий вазиятга боғлаган ҳолда йўл қўйилиши мумкин бўлган энг кам даражада сақлаб туради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикасининг «Микромолиялаш тўғрисида»ги Қонуни // 2006 йил 15 сентябрь.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Микрофирмалар ва кичик корхоналарнинг ривожланишини янада қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони // 2005 йил 20 июнь.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги 2010 йил 26 ноябрдаги ПҚ-1438-сонли Қарори.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили Давлат дастури»ги 2011 йил 7 февралдаги ПҚ-1447-сонли Қарори.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 4 мартдаги 75-сон «Фермерлар, хусусий тадбиркорларни, шунингдек, кичик бизнеснинг бошқа субъектларини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори // Ўзбекистон банк тизимини ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш бўйича қонунчилик ҳужжатлари тўплами. – тўлдирилган 2-чи нашри. – Тошкент: «Ўзбекистон», 2003.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 30 августдаги 309-сон «Ўзбекистон Республикасида микромолиялашни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори // Ўзбекистон банк тизимини ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш бўйича қонунчилик ҳужжатлари тўплами. – тўлдирилган 2-чи нашри. – Тошкент: «Ўзбекистон», 2003.

7. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2007 йил 14 апрелда 1675-сон билан рўйхатга олинган ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банк Бошқаруви томонидан 2007 йил 13 мартда 288-В-сон билан тасдиқланган «Қишлоқ хўжалиги корхоналарининг давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган пахта ва ғалла етиштириш харажатларини тижорат банклари томонидан кредитлаш тартиби тўғрисида»ги Низом (янги тахрирда).

8. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2006 йил 21 февралда 1548-сон билан рўйхатга олинган, Ўзбекистон Республикаси Марказий банк Бошқаруви томонидан 2005 йил 31 декабрда 273-В-сон билан тасдиқланган «Тижорат банклари томонидан кичик бизнес субъектларига бюджетдан ташқари жамғармалар ва Микрокредитбанк кредит линиялари ҳисобидан микрокредитлар бериш тартиби тўғрисида»ги Низом.

9. Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги 16 апрель 2004 йилда 1337-сон билан рўйхатга олинган, Ўзбекистон Республикаси Марказий банк Бошқаруви томонидан 1 март 2004 йил 563-сон билан тасдиқланган «Тижорат банклари томонидан фермер хўжаликларига бўлғуси ҳосилни гаровга олган ҳолда кредит бериш тартиби тўғрисида»ги Низом.

10. Марказий банк Бошқаруви томонидан 2006 йил 8 апрелдаги 9/7-сонли қарори «Тижорат банклари томонидан шахсий ёрдамчи ва деҳқон

хўжаликларига чорвачиликни ривожлантириш учун имтиёзли мақсадли микрокредитлар бериш тартиби тўғрисида”ги Низом

11. Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги 30 апрель 2004 йилда 1345-сон билан рўйхатга олинган, Ўзбекистон Республикаси Марказий банк Бошқаруви томонидан 1 март 2004 йил 564-сон билан тасдиқланган «Тижорат банклари томонидан фермер хўжалиklarининг ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқини гаровга олган ҳолда кредитлаш тартиби тўғрисида»ги Низом

12. Каримов И.А. “2012 йил ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади” Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг 2011 йилнинг асосий якунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси

13. Каримов И.А. Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади.-Тошкент.: Ўзбекистон, 2011-Б.58.

14. Каримов И.А. Асосий вазифамиз – ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. – Тошкент: Ўзбекистон, 2010. – 80 б.

15. Абдуллаева Ш.З. Пул, кредит ва банклар. – Тошкент: « IQTISOD-MOLIYA », 2007.–347 б.

16. Абдуллаева Ш.З. Банк иши. – Тошкент: Молия, 2003. –320 б.

17. Қоралиев Т., Ғ.Яхшибоев. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиявий таъминлаш механизми. – Тошкент: Академия, 2006. -116 б.

18. Малый бизнес: экономика, организация, финансы/ Под.ред. А.И.Муравьев, А.М.Игнатьев, А.Б.Крутик. Санкт-Петербург.: «Бизнес-пресс», 1999.- 607 с.

19. Қудратов Ғ., Хасанова Р, Махмудов Б., Хаджаев Х. Аграр секторда кичик бизнесни ривожлантиришнинг иқтисодий аҳамияти. Ўқув қўлланма. – иқтисод-молия, 2008. – Б. 74.

20. Маматов Б., Носиров Э., Хўжамқулов Д., Шарифхўжаева К. «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик лойиҳаларини молиялаштириш» Тошкент - 2007. 152 бет.

21. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2007-2011 йиллардаги.

22. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2007-2011 йил маълумотлари.

23. Ўзбекистон Республикаси ОАТБ “Агробанк”ининг 2006-2011 йиллардаги ҳисобот маълумотлари.

24. Интернет сайтлари:

www.bir.uz

www.cbu.uz

www.finance.uz

www.bma.uz

www.agrobank.uz

